

ТУРЛИ ЁШДАГИ БОЛАЛАРДА ВИРУСЛИ ДИАРЕЯЛАРНИНГ КЛИНИК-ЭПИДЕМИОЛОГИК ВА ЭТИОЛОГИК ТАВСИФИ

Пулатов М.Э.

Касимов И.А.

Андижон давлат тиббиёт институти;

Тошкент давлат тиббиёт университети

<https://doi.org/10.5281/zenodo.21428501>

Долзарблиги: Ўткир ичак инфекциялари (ЎИИ) болаларда энг кўп учрайдиган касалликлар бўлиб қолмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, дунё бўйлаб ҳар йили болалар ва катталар орасида 1-1,2 млрд. гача диарея касаллиги қайд этилади, бу эса тахминан 4 миллион кишининг ўлимига олиб келади, уларнинг 60-70 фоизи 14 ёшгача бўлган болалардир (WHO, 2018). Замонавий шароитда барча ёшдаги болалар орасида вирусли ичак инфекцияларининг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Ротавирус, норовирус, аденовирус ва астровируслар болаларда ўткир гастроэнтеритларнинг асосий қўзғатувчилари сифатида қайд этилмоқда; айниқса ротавирус ҳали ҳам оғир диарея билан кечувчи ҳолатларнинг муҳим сабабларидан бири ҳисобланади. Охирги йиллардаги клиник тадқиқотлар болаларда вирусли гастроэнтеритларнинг клиник аҳамияти пасаймаганини, аксинча, уларнинг касаллик структураси ва госпитализациясидаги улуши барқарор юқори сақланаётганини кўрсатди. Ротавирус инфекцияси оғир сувсизланиш билан кечувчи гастроэнтеритнинг муҳим сабаби бўлиб қолмоқда, норовирус эса кўплаб ҳудудларда ўткир гастроэнтеритнинг асосий этиологик омилларидан бири сифатида қайд этилмоқда. Шу сабабли вирусли ўткир ичак инфекцияларини бактериал шакллардан ўз вақтида ва тўғри фарқлаш юқумли касалликлар соҳаси мутахассисларининг муҳим вазифаларидан биридир.

Мақсади: 2024-2025 йилларда Андижон вилоят клиник юқумли касалликлар шифохонасида даволанган турли ёшдаги болаларда вирусли диареялар этиологияси ва кечишини ўрганиш.

Материаллар ва усуллар: 135 нафар турли ёшдаги болаларнинг касаллик тарихи таҳлил қилинди, уларнинг текширув алгоритмига AmpliSens Rotavirus/Norovirus/Astrovirus-FL ёки Interlabservice (Москва) томонидан ишлаб чиқарилган диагностикаумлар ёрдамида (ПЗР) полимераза занжирли реакцияси киритилган.

Натижалар: Полимераза занжирли реакциясидан (ПЗР) фойдаланиб, ташхис (59,8%) ҳолатда этиологик жиҳатдан аниқланди ва аниқланган ўткир ичак инфекциялари орасида вирусли диареялар улуши 77,4% ни ташкил этди. Вирусли диарея асосан 3 ёшгача бўлган бўлган болаларга таъсир қилиши аниқланди (45%). Ротавирус инфекциясининг устунлиги (40,4%) ва норовирус гатроэнтеритининг улуши ҳам юқори (21,2%) бўлган. Ротавирус 6 ёшгача бўлган болалар ёш гуруҳида энг юқори (56%), норовирус эса мактаб ёшидаги беморларда энг юқори (45,2%) эканлиги аниқланди. Ротавирус инфекциясининг тарқалиши тадқиқот даврида юқори бўлиб (44,6-58,9%) ташкил этди, норовирус гастроэнтеритининг тарқалиши 2024 йилдаги 24% дан 2025 йилда 32% гача ошди. Кўпгина ҳолларда (82%) вирусли гастроэнтерит

клиник жиҳатдан ўртача даражада бўлиб, асосий асорат 1-2 даражали сувсизланиш синдроми бўлган.

Хулоса. ПЗР каби замонавий диагностика усуллари диарея ҳолатларининг камида 60 фоизини ташхислаши мумкинлиги исботланган, ротавируслар ва норовируслар асосий этиологик омиллар ҳисобланади. Бизнинг натижаларимиз, оммавий ротавирусга қарши эмлаш жорий этилишидан олдин болаларда ўткир ичак инфекциялари эпидемиологияси бўйича халқаро маълумотларга тўлиқ мос келади.